

**Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиши бўйича
ШАРТНОМА № 15/2**

2022 йил «15» апрел

Жиззах шаҳри

Жиззах вилоят хокимлиги ягона буюртмачи хизмати **Инжиниринг компанияси** (кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор Х.Хасанов, бир томондан, ва **«SANGZOR QURILISH LOYINA»** масъулияти чекланган жамияти (кейинги уринларда «Ижрочи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор У. Абдурахманова, иккинчи томондан, мазкур шартномани куйидагилар хакида туздилар:

1. Шартнома предмети.

1.1. Мазкур шартнома бўйича Ижрочи Буюртмачининг топшириғида белгиланган шартларга мувофиқ **“Арнасой тумани Ф.Ғулом МФЙдаги туман тиббиёт бирлашмасини жорий таъмирлаш”** (АРТ, топосъёмка, геология, лойиҳа иши ва экспертиза хулосаси) обьекти бўйича амалдаги қонунчиликнинг ишларнинг шундай турига қўйладиган талабларига жавоб берадиган ва фойдаланиш учун ярокли бўлган шаҳарсозлик хужжатларини (бундан кейинги матнларда “Лойиҳа” деб номланади) ишлаб чиқиши мажбуриятини, Буюртмачи эса техник топшириқ ва бирламчи маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиш ва тўлаш мажбуриятини зиммасига олади

1.2. Хизматлар курсатиш муддати:

Ишнинг бошланиши: 2022 йил 15 апрел;

Ишни яқунлаш: 10 кун.

2. Шартнома бўйича ишлар қиймати ва ҳисоб-китоблар тартиби.

2.1. Мазкур шартнома бўйича ишлар қиймати 2022 йил 12 апрелдаги лот №63223 бўйича харид қилиш комиссияси баённомасига асосан КҚС билан **13 100 000 (Ўн уч миллион бир юз минг)** сўмни ташкил этади.

2.2. Ишлар қиймати очиқдир. Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати қарорига асосан ҳамда вазиятлар, материаллар нархлари, ишга ҳақ тўлаш шартлари тубдан ўзгарганда ва бошқа ҳаражатлар туфайли ишлар қиймати мазкур шартномага қўшимча битим тузиш йўли билан ўзгартирилиши мумкин.

2.3. Мазкур шартнома бўйича ишлар қийматини тўлаш Буюртмачи томонидан Ижрочининг ҳисоб ракамига пул ўтказиш йўли билан қўйидаги тартибда амалга оширилади:

- мазкур шартнома имзолангандан кейин бир ой давомида ишлар қийматидан 30% олдиндан тўлов;

- кейинги тўловлар – босқичма-босқич, Лойиҳани қабул қилиш-топшириш юк хати имзолангандан сўнг 60 кун давомида, Лойиҳани асосланган рад этиш хати йўқ бўлган тақдирда.

2.4. Буюртмачи молия органи томонидан молиялаштириш очилмаганлиги сабабли олдиндан тўловни ўтказиш мажбуриятини бажармаса, Ижрочи қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартномани бекор қилиш хуқуқига эга.

2.5. Мазкур иш турларига молиялаштирувчи органлар томонидан маблаг молиялаштирилмаган тақдирда «Буюртмачи» тулов учун мажбуриятни зиммасига олмайди.

3. Ишларни топшириш-қабул қилиш тартиби.

3.1. **“Арнасой тумани Ф.Ғулом МФЙдаги туман тиббиёт бирлашмасини жорий таъмирлаш”** (АРТ, топосъёмка, геология, лойиҳа иши ва экспертиза хулосаси) обьекти бўйича лойиҳалаш ишларини бошлаш санаси сифатида қўйидаги талабларни бажариш санаси ҳисобланади:

3.1.1. Лойиҳалашга топширикни қонунчиликда ўрнатилган тартибда тасдиқлаш ва келишиб олиш;

3.1.2. Тасдиқланган лойиҳалашга топшириқга ҳамда лойиҳалаш ишларини тартибга солувчи меъёрий хужжатларга мувофиқ буюртмачи лойиҳалаш учун зарур бўлган бирламчи маълумотларни тақдим қилиши;

3.1.3. Томонлар мазкур шартномага қўшимча ёзма битим тузиш йўли билан юқоридаги талабларни бажариш учун кетадиган вақтга мутаносиб равишда лойиҳалаш ишларини бажариш календар муддатлари сурилиши мумкин.

3.2. Ишлар тугаллангандан сўнг Ижрочи тайёр Лойиҳани ёки унинг қисмини Буюртмачига юк хати бўйича топширади, лойиҳалашга топшириқ ва мазкур шартнома шартларида кўзда тутилган Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини тақдим қиласи.

3.3. Буюртмачи Лойиҳани олганидан кейин қўйидагиларни амалга оширишга мажбур:

- 3.3.1. Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаганидан кейин 30 кун давомида Лойиҳани олиш ёки олишни рад этиш ва Ижрочига рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни юбориш;
- 3.3.2. Лойиҳани олишни рад этиш сабаблари кўрсатилган хат Ижрочига юборилгандан сўнг иккитомонлама далолатнома ёки кўшимча ёзма битим тузилади. Кўшимча ёзма битимда лойиҳадаги камчиликларни бартараф этиш ишлари рўйхати ва уларни бажариш муддатлари кўрсатилади.
- 3.3.3. Буюртмачи Лойиҳани олишдан бош тортса (Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаса), рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни Ижрочига юбормаса, Лойиҳа Буюртмачига тақдим этилган вактдан бошлаб унга топширилган ҳисобланади.
- 3.3.4. Агар Буюртмачи Лойиҳани текширмасдан қабул қилган бўлса, кейинчалик Лойиҳада шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлигини аниқласа, бундай камчиликларни Лойиҳани қабул килаётгандан аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин качиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддатда ёзма равишда огоҳлантириши ва камчиликларни қиска муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

4. Томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари.

4.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- 4.1.1. Лойиҳани тайёрлаш учун зарур бўладиган лойиҳалашга топшириқ ва бирламчи маълумотларни Ижрочига тақдим қиласди.
- 4.1.2. Мазкур шартномада белгиланган миқдор ва тартибда ишлар қийматини Ижрочига тўлаб беради.
- 4.1.3. Ижроидан олинган лойиҳадан фақат мазкур шартномада кўзда тутилган мақсад учун фойдаланиш, лойиҳани учинчи шахсларга бермаслик ва Ижрочининг розилигисиз унда маълумотларни ошкора қилмаслик.
- 4.1.4. Зарурат туғилганда лойиҳани тегишли давлат органлари ва фуқарорларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиш учун Ижрочини жалб этиш.
- 4.1.5. Бирламчи маълумотларни ўзгартириш ёки Ижрочига боғлиқ бўлмаган бошқа вазиятлар туфайли пайдо бўлган кўшимча харажатларни қоплаш (мазкур масала юзасидан томонлар дастлаб ўзаро келишиб ва кўшимча битимни имзолашгандан сўнг).
- 4.1.6. Тайёр лойиҳанинг камчиликлари сабабли учинчи шахс томонидан Буюртмачига тақдим қилинган даъво бўйича жараёнда иштирок этиш учун Ижрочини жалб қилиш.

4.2. Ижрочининг мажбуриятлари

- 4.2.1. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун Буюртмачи томонидан тақдим қилинган лойиҳалашга топшириқ ва бирламчи маълумотлардаги талабларга риоя этиш, уларга мувофиқ ва ўзи шахсан лойиҳалаш ишларини бажариши, белгиланган тартибда муаллифлик назоратини олиб бориш ва ҳар 15 кун муддатда мунтазам равишда Буюртмачига маълумот бериш;
- 4.2.2. Буюртмачи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда хато ва камчиликлар борлиги аниқланса, Буюртмачини шу тўғрисида зудлик билан ўрнатилган тартибда огоҳлантириш, Буюртмачидан кўрсатмалар олингунча ишни тўхтатиш. Буюртмачини ўз вақтида огоҳлантирмаган Ижрочи келгусида Буюртмачи томонидан даъво қилинганда ҳужжатларда хато ва камчиликлар борлиги рўяқ қилмаслиги керак.
- 4.2.3. Лойиҳани тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишишда Буюртмачи билан биргаликда иштирок этиш.
- 4.2.4. Мазкур шартномада белгиланган муддатда сифатли, курилиш меъёrlари ва қоидалари талаблари ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартибини белгилайдиган бошқа қонунчилик ҳужжатларига жавоб берадиган тайёр Лойиҳани Буюртмачига топшириш.
- 4.2.5. Лойиҳа ишлаб чиқилишини учинчи шахсларга бермаслик.

4.3. Буюртмачи қуидаги хуқуқларга эга:

- 4.3.1. Лойиҳадан фойдаланиш давомида унда камчиликлар борлиги аниқланса, Ижроидан қуидагиларни талаб қилиш:
- Ижроchi Лойиҳадаги камчиликларни ўз ҳисобидан талаб қилинадиган муддатларда бартараф қилиши;
 - шартномавий қийматни шунга мувофиқ миқдорда камайтириш;
 - Ижроchi Лойиҳадаги камчиликларни ўз вақтида бартараф этмаганлиги сабабли Буюртмачининг пайдо бўлган молиявий заарларини қоплаш;
 - Лойиҳадаги камчиликлар жиддий ва уларни бартараф қилиш имконияти йўқ бўлса, Буюртмачи шартномани бекор қилиши ва барча кўрилган молиявий заарлар қопланишини Ижроидан талаб қилиш.

- «Ижрочи» ташкилотнинг айби билан лойиха хужжатларига кушимча иш хажмлари ва харажатар аникланган такдирда «Уздавархитекткурилиш» кумитасининг 24.06.2008 йилги 50-сонли буйруги билан тасдиланган ШНК 1.03.01-08 нинг 1.13.-банди З-хатбошига асосан Бажарувчига туланган сумма тулик Давлат бюджети фойдасига олиб куйилади.

4.4. Ижрочи қуидаги хукукларга эга:

4.4.1. Буюртмачининг ёзма рухсати билангина лойихалаштиришга топширик ва бирламчи маълумотлардаги талаблардан чекиниш.

5. Томонлар жавобгарлиги.

5.1. Томонлар мазкур шартномадаги мажбуриятларини бажармаганлари учун амалдаги конунчиликка мувофиқ жавобгардирлар.

5.2. Лойиҳа Буюртмачи томонидан қабул қилингандан кейин Ижрочи кафолатли муддат давомида (10 йил) Лойиҳанинг дастлабки камчиликлари ва Лойиҳадан фойдаланиш мобайнида аникланган камчиликлари учун жавобгардир. Шунингдек, ушбу камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф килиши, агар камчиликларни бартараф килиш имконияти бўлмаса, Буюртмачининг заарларини тўлаб бериши керак.

5.3. Ижрочи Лойиҳадаги камчиликлар учун (ушбу камчиликлар аникланган вактга боғлик бўлмаган холда) қуидаги ҳолларда жавоб бермайди:

- Буюртмачи Ижрочи билан келишиб олмасдан лойихалаш мобайнида Лойиҳага кўйилган талаблардан чекинса ёхуд лойиҳалашга топшириқдаги бирламчи маълумотларни ўзгартираса;

5.4. Молия органи томонидан молиялаштириш очилган бўлса ҳам Буюртмачи лойиҳалаш ишларини ўз вактида молиялаштираса, ҳар бир кечиктирилган кун учун ўтказилмаган тўлов суммасидан 0,4 % миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вактида ўтказилмаган тўлов суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

5.5. Ижрочи лойиҳалаш ишларини ўз вактида бажармаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун бажарилмаган ишлар суммасидан 0,5 % миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вактида бажарилмаган ишлар суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

5.6. Пеня ва заарларни тўлаш шартномани бузган тарафни шартномадаги мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

5.7. Томонлар молиявий мажбуриятларни зиммаларига олмаган шарти билан, биринчи томон иккинчи томонни 30 кун аввал ёзма равишда огоҳлантириб, мазкур шартномани муддатидан илгари бекор килиши мумкин.

5.8. Шартнома муддатидан илгари бекор қилингандан холда, шартномани бекор қилиш ташаббуси билан чиккан томон иккинчи томонга мазкур шартнома бўйича ишлар кийматидан 10 % миқдорида жарима (неустойка) тўлайди.

6. Махфийлик.

6.1. Ҳар бир томоннинг фаолияти ёки томонлар билан боғлик шахснинг фаолияти тўғрисидаги ошкора қилинмайдиган барча маълумотлар махфийдир. Томонлар бундай маълумотларни бошқа шахсларга ошкора кильмасликлари, мазкур шартномани бажариш билан боғлик мақсадлардан бошқа максадлар учун фойдаланмасликлари керак

7. Шартномани ўзгартириш ва тугатиши.

7.1. Мазкур шартноманинг 10.1-пунктида кўрсатилганидек, шартнома муддати тугаши билан томонларнинг шартномадаги мажбуриятлари тугайди.

7.2. Томонлар ўртасидаги ёзма келишувига асосан шартнома ўзгартирилиши ёки муддатидан илгари тугатилиши мумкин.

7.3. Мазкур шартномага қўшимча битим ёки келишмовчилик баённомаси қўринишидаги ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда қилингандан хамда томонлар (ёки томонлар номидан вакиллар) имзоланганидан кейин юридик кучга эга бўлади.

7.4. Қонунчиликда ёки мазкур шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам мазкур шартнома ўзгартирилиши ёки тугатилиши мумкин.

7.5. Шартнома кучда бўлишини тугатиш томонларни шартномани бузганликлари учун жавобгарликдан озод қилмайди.

8. Низоларни хал этиши.

8.1. Мазкур шартноманинг матнида ечимини топмаган масалалар бўйича томонлар ўртасида пайдо бўлиши мумкин бўлган низолар ва турли талкинлар амалдаги конунчилик асосида музокаралар ўтказиш йўли билан хал этилади.

8.2. Музокаралар ўтказиш йўли билан низолар хал этилмаса, ўрнатилган тартибда низолар Жиззах туманлараро иктисодий судида кўриб чиқилади.

9. Форс-мажор.

9.1. Кўзда тутилмаган ва келиб чиқишини бартараф этиб бўлмайдиган фавқулодда хусусиятга эга форс-мажор вазиятлари пайдо бўлганда томонлар мазкур шартномадаги мажбуриятларини бажармаганлари учун жавобгар эмасдирлар.

Фавқулодда вазиятлар сифатида қуидагилар тушунилади: табии талофатлар, ёнгин, сув тошқини, штурм, уруш ва уруш харакатлари, қамаллар, қўзғолонлар, саботаж, миллатчилик тусга эга галаёнлар, эмбарго, давлат органларининг таъкидлашлари ва шартнома тузилганидан кейин пайдо бўлган томонлар назоратидан ташқарида бошқа вазиятлар.

9.2. Форс-мажор вазиятлари пайдо бўлиши муносабати билан мазкур шартномадаги томонлар мажбуриятлари бутунлай бажарилмаса ёки кисман бажарилса, мажбуриятларни бажарини муддатлари бундай вазиятлар таъсири вактига мутаносиб равишда узайтирилади.

10. Бошқа шартлар.

10.1. Мазкур шартнома вилоят Газначилик бошкармасидан электрон тарзда руйхатдан утгандан сунг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга кадар амал килади.

10.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди. битта нусхаси Буюртмачида, битта нусхаси Ижроҷида сакланади.

11. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

БУЮРТМАЧИ:

Жиззах вилоят хокимлиги Ягона
буюртмачи хизмати инжиниринг
компанияси.

Жиззах ш. Ш.Рашидов кучаси 100 уй.
Тел./факс 222-46-40, 222-29-96

шх: 301821860084017072130054002
ИНН: 204791955 ОКОНХ: 69000

Жиззах вилоят Газначилик бошкармаси
ЯФХ 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент
шахар Бош бошкармаси Ҳисоб-китоб-касса
маркази (ХККМ)
МФО: 00014 ИИН: 201122919

Хасанов Х.

ИЖРОЧИ:

«SANGZOR QURILISH LOYIHA»
масъулияти чекланган жамияти

Жиззах ш. А.Навоий кучаси 2 уй
тел.. 91 197-05-20
x/p 20208000900460895001
ТИФ «Миллий банк»
Жиззах вилоят бўлими
МФО: 00121 ИИН: 207226103
ОКОНХ: 66000

у.Абдураҳманова

ХУКУКИЙ ХУЛОСА:

Мазкур шартнома Узбекистон Республикаси “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги Конуннинг 21-моддаси талаблари асосида тузилди. Экспертиза хulosаси шартнома шартларининг мослиги ва унда тарафларнинг жавобгарлиги хаузизоларнинг хал этилиши тартиби амалдаги конунчилик талабларига мослигини беради.

Хукукий экспертиза натижасига кура куйдагилар аникланди:

1. Шартнома лойихаси Узбекистон Республикасининг амалдаги конунлари талабларига мувофиқ тузилган. Такдим этилаётган пудрат шартномаси шартлари конунчилик талабларига жавоб беради. Шартнома буйича юзага келган хар кандай холат Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 686-708-моддалари хамда “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги Конуннинг 10,11-моддалари билан тартибга солинади.

2. Шартнома буйича тарафларнинг уз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида юзага келадиган жавобгарлик Узбекистон Республикаси “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги Конуннинг 24-34, 36-моддалари талабларига мос келади.

Жиззах вилоят хокимлиги ЯБХ ИК
хукукшуноси - адвокат

О.Очилов



А.Н.Скорникова

М.Алиев





“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Жиззах вилояти ҳокимлиги

“Ягона буюртмачи хизмати” ИК
бош мухандиси



А.Сарибоев
2022 йил

**Жиззах вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” Инжинириинг
компаниясида ўтказилган танлов комиссияси аъзолари йиғилиш
БАЁНИ № 5**

2022 йил “15” апрел

Жиззах шаҳри

Жиззах вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” Инжинириинг компаниясининг 2021 йил 01 февралдаги №10-сонли бўйруғи билан тасдикланган комиссияси аъзолари куидаги таркибда,

ҚАТНАШДИЛАР:

А.Сарибоев

- Вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжинириинг компанияси бош мухандиси, комиссия раиси;

Комиссия аъзолари:

Т.Саттаров

- Лойиҳаларни бошқариш ва курилишни техник кузатиш бўлими бошлиғи;

О.Очилов

- Танлов савдоларини ташкил этиш ва хўжалик-шартнома муносабатлари бўлими бошлиғи;

О.Хидоятуллаев

- Молиялаштириш, маркетинг, манзилли дастурларни тайёрлаш бўлими бошлиғи;

Ф.Зулфиқоров

- Хисоб-китоб бўлими мутахассиси


М.Алиев

- Бирламчи рухсат берувчи, лойиҳа хужжатлари ва танлов хужжатларини тайёрлаш бўлими бошлиғи, комиссия котиби;


Кун тартиби:

Жиззах вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” Инжинириинг компанияси буюртмачилигига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 марта ПҚ-172-сон қарори билан 2022 йил Жиззах вилоятида “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурига киритилган ижтимоий соҳа обьектлари лойиҳаларини ишлаб чиқиши бўйича ўтказилган харид қилиш комиссиясининг танлов баённомалари асосида тузиладиган шартномаларнинг Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сонли қонуни 62-моддаси талабларига мувофиқ тузилишини таъминлаш.

2022 йил 11-12 апрел кунлари “Etender.uzex.uz” электрон портали орқали ўтказилган қуидаги 42 та обьект бўйича харид қилиш комиссиясининг танлов савдолари натижалари тўғрисида баённомалари расмийлаштирилган;



№	Объектнинг номи	ЛОТ рақами	Фолиб лойиха ташкилоти	Фолиб таклиф этган нарх
1	Бахмал тумани Нурафшон МФЙдаги 40-сонли умумтаълим мактабига 12x24 спортзал қуриш	№62796	“Polaris Loyiha” МЧЖ	56 000 000
2	Арнасой тумани Чинобод МФЙдаги 12-сонли умумтаълим мактабини мукаммал таъмирлаш	№62786	“Sangzor Qurilish Loyiha” МЧЖ	13 100 000
3	Фаллаорол тумани Гўбдин МФЙдаги 65-сонли умумтаълим мактабини мукаммал таъмирлаш	№62802	“Novo Planing” МЧЖ	22 500 000
4	Фаллаорол тумани Кипчоксув МФЙдаги 40-сонли умумтаълим мактабини мукаммал таъмирлаш	№62804	“Novo Planing” МЧЖ	16 500 000
5	Фаллаорол тумани Булокбоши МФЙдаги 31-сонли умумтаълим мактабини мукаммал таъмирлаш	№62805	“Novo Planing” МЧЖ	18 600 000
6	Ш.Рашидов тумани Хайраобод МФЙдаги 17-сонли умумтаълим мактабини мукаммал таъмирлаш	№62808	“Gold Project Service” МЧЖ	30 544 000
7	Ш.Рашидов тумани Каттақишлоқ МФЙдаги 25-сонли умумтаълим мактабини мукаммал таъмирлаш	№62813	“Gold Project Service” МЧЖ	26 956 000
8	Зомин тумани Нурафшон МФЙдаги 65-сонли умумтаълим мактабини мукаммал таъмирлаш	№62814	“Aziza Loyiha” МЧЖ	76 000 000
9	Зафаробод тумани Чўлигулистон ҚФЙдаги 12-сонли умумтаълим мактабини мукаммал таъмирлаш	№62815	“Gold Project Service” МЧЖ	25 947 500
10	Паҳтакор тумани Нурли Пангат МФЙдаги 14-сонли умумтаълим мактабини мукаммал таъмирлаш	№64492	“Jizzax Tadqiqot” МЧЖ	51 300 000
11	Жиззах шаҳар Тинчлик МФЙдаги 26-сонли умумтаълим мактабини мукаммал таъмирлаш	№63288	“Elegant Project” МЧЖ	92 000 000
12	Бахмал тумани Тонготар ҚФЙдаги 38-умумтаълим мактабини жорий таъмирлаш	№62797	“Polaris Loyiha” МЧЖ	17 500 000
13	Зарбдор тумани Адиробод МФЙдаги 4-сонли умумтаълим мактабини жорий таъмирлаш	№63445	“Atlant Architects group” МЧЖ	30 152 460
14	Мирзачўл тумани Гулзор ҚФЙдаги 19-сонли умумтаълим мактабини жорий таъмирлаш	№62822	“Olimp Mega Project” МЧЖ	12 000 000
15	Фориш тумани Қизилқум МФЙ даги 9-сонли умумтаълим мактабини жорий таъмирлаш	№62933	“Sangzor Project Invest” МЧЖ	17 700 000
16	Янгиобод тумани Совет МФЙ даги 16-сонли умумтаълим мактабини жорий таъмирлаш	№62954	“Shaharsozlik Dizayni” МЧЖ	24 647 000
17	Ш.Рашидов тумани Хайрабод МФЙдаги 23-сон МТТни реконструкция қилиш	№62977	“Komfort lider kapital” МЧЖ	44 412 500



18	Ш.Рашидов тумани Олмачи МФЙдаги 25-сон МТГни жорий таъмирлаш	№62988	“Gold Project Service” МЧЖ	26 312 000
19	Фаллаорол тумани Кипчоқсув МФЙдаги туман тибиёт бирлашмасига Солин даволаш бўлимини бўлимини реконструкция қилиш	№62868	“Discovery Architects group” МЧЖ	60 210 000
20	Фаллаорол тумани Кипчоқсув МФЙдаги 10-сон ОПга қарашли тез тиббий ёрдам бўлимини реконструкция қилиш	№63279	“Discovery Architects group” МЧЖ	18 900 000
21	Фаллаорол тумани Булоқбоши МФЙдаги Зарбулоқ қишлоқ врачлик пунктини реконструкция қилиш	№63300	“Discovery Architects group” МЧЖ	24 300 000
22	Бахмал тумани Тонготар МФЙдаги қишлоқ врачлик пунктини мукаммал таъмирлаш	№62795	“Polaris Loyiha” МЧЖ	17 500 000
23	Зарбдор тумани Андижон МФЙдаги 14-сон оиласвий поликлиникага қарашли Андижон филиалини мукаммал таъмирлаш	№63453	“Atlant Architects group” МЧЖ	9 450 000
24	Зафаробод тумани Чўлигулистон ҚФЙдаги КТМП филиалини мукаммал таъмирлаш	№63338	“Grand Super Project” МЧЖ	16 470 000
25	Фориш тумани Қизилкум МФЙдаги оиласвий шифокорлик пунктини мукаммал таъмирлаш	№63171	“Sangzor Project Invest” МЧЖ	26 900 000
26	Фориш тумани Сайёд МФЙдаги Сайёд тез ёрдам шохобчасини мукаммал таъмирлаш	№63188	“Sangzor Project Invest” МЧЖ	23 900 000
27	Жиззах шаҳар А.Темур МФЙдаги А.Ахмедов кўчаси 14-үйда жойлашган 1-сонли поликлиника филиалини мукаммал таъмирлаш	№63301	“Jizzax Qurilish Loyiha” МЧЖ	51 000 000
28	Арнасой тумани F.Ғулом МФЙдаги туман тибиёт бирлашмасини жорий таъмирлаш	№63223	“Sangzor Qurilish Loyiha” МЧЖ	13 100 000
29	Фаллаорол тумани Fўбдин МФЙдаги Fўбдин оиласвий шифокорллик пунктини жорий таъмирлаш	№62801	“Discovery Architects group” МЧЖ	12 150 000
30	Ш.Рашидов тумани Каттақишлоқ МФЙдаги X.Носиров номидаги оиласвий поликлиникасини жорий таъмирлаш	№62881	“Komfort lider kapital” МЧЖ	15 200 000
31	Мирзачўл тумани Гулзор МФЙдаги оиласвий шифокорллик пунктини жорий таъмирлаш	№63337	“Olimp Mega Project” МЧЖ	8 300 000
32	Ш.Рашидов тумани Каттақишлоқ МФЙдаги МФЙ идораларининг биносини куриш	№63059	“Komfort lider kapital” МЧЖ	17 100 000
33	Ш.Рашидов тумани Олмачи МФЙдаги МФЙ идораларининг биносини куриш	№63070	“Komfort lider kapital” МЧЖ	15 675 000
34	Зарбдор тумани Андижон МФЙда маҳалла биносини янгидан куриш	№63083	“Atlant Architects group” МЧЖ	13 500 000
35	Зарбдор тумани Адиробод МФЙда маҳалла биносини янгидан куриш	№63175	“Atlant Architects group” МЧЖ	13 500 000



36	Зафаробод тумани Чўлигулистон ҚФЙда махалла биносини янгидан куриш	№63184	“Grand Super Project” МЧЖ	19 010 000
37	Зафаробод тумани Писталикент ШФЙда махалла биносини янгидан куриш	№63193	“Grand Super Project” МЧЖ	19 010 000
38	Фориш тумани Сайёд МФЙда Махалла маъмурӣ биносини янгидан куриш	№63213	“Sangzor Project Invest” МЧЖ	23 900 000
39	Фаллаорол тумани Кипчоксув ҚФЙдаги махалла идорасини реконструкция килиш	№63036	“Discovery Architects group” МЧЖ	13 500 000
40	Бахмал тумани Тонготар кишлоғидаги ҚФЙ биносини мукаммал таъмирлаш	№63020	“Polaris Loyiha” МЧЖ	7 800 000
41	Мирзачўл тумани Гулзор ҚФЙда Махалла биносини жорий таъмирлаш	№63207	“Olimp Mega Project” МЧЖ	13 100 000
42	Жиззах шаҳар Оққўрғонлик МФЙдаги махалла биносини жорий таъмирлаш	№63318	“Jizzax Bunyodkor Loyiha” МЧЖ	7 250 000

Комиссия котиби томонидан 42 та объектга лойиха ташкилотини танлаш бўйича ўтказилган танлов савдолари юзасидан 2 иш куни мобайнида комиссия аъзоларига хеч қандай шикоят келиб тушмаганлиги тўгрисида ахбороти ўқиб эшиттирилди.

Комиссия аъзоларининг фикр-мулоҳазаларини эшитиб ва ўрганиб чиқсан холда, танлов комиссияси

Қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартағи ПҚ-172-сон қарори билан 2022 йил Жиззах вилоятида “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурига киритилган ижтимоий соҳа объектларининг лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиши бўйича “Etender.uzex.uz” электрон портали орқали аниқланган 42 та объект бўйича З иш куни ичида буюртмачи ва ғолиб лойиха ташкилотлари ўртасида шартномалар тузилиши мақсадга мувофиқ деб топилсин.

Йиғилиш баёни тўғри тузилган деб имзо қўювчилар:

Т.Саттаров

О.Хидоятуллаев

О.Очилов

Ф.Зулфиқоров

Комиссия котиби:
М.Алиев

